



## Evaluation of strategic management activities of gold mining industry enterprises and its effectiveness

Dilfuza ABDULLAEVA<sup>1</sup>

Tashkent State Technical University named after Islam Karimov

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received September 2022  
Received in revised form  
25 September 2022  
Accepted 20 October 2022  
Available online  
25 November 2022

**Keywords:**

strategic assessment of oil  
mining industry enterprises,  
risk assessment,  
assessment based on  
models.

### ABSTRACT

Most of gold mining industry enterprises attach relatively more importance to technical development of the enterprises in order to ensure the labor protection and environmental safety of the workers. Today, gold mining industry enterprises face problems in financial allocation, limiting such important factors as signing of investment projects, financial support of scientific and technical development improvement bureaus, and regular training of personnel. Gold, not only as a metal, has a constantly growing demand in the domestic and foreign markets.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss10/S-pp257-264>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Олтин қазиб олиш саноати корхоналарини стратегик бошқарув фаолиятини баҳолаш ва унинг самарадорлиги

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

олтин қазиб олиш саноати  
корхоналарини стратегик  
баҳолаш,  
таваккалчиликни  
баҳолаш,  
моделлар асосида  
баҳолаш.

Олтин қазиб олиш саноати корхоналарининг асосий қисми корхоналарни техник ривожлантиришга ишчиларнинг меҳнат муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш учун нисбатан кўпроқ аҳамият беришади. Бугунги кунда олтин қазиб олиш саноати корхоналарининг молиявий ассигнациялашда муаммоларга дуч келиши инвестицион лойиҳаларни битимлаш, илмий-техник ишланмаларни такомиллаштириш бюрларини молиявий қўллаб-қувватлаш, кадрлар малакасини мунтазам ошириш сингари муҳим омилларни чегараламоқда.

<sup>1</sup> Senior lecturer of Tashkent State Technical University named after Islam Karimov.

# Оценка деятельности стратегического управления предприятий золотодобывающей отрасли и ее эффективность

## АННОТАЦИЯ

### Ключевые слова:

стратегическая оценка предприятий нефтедобывающей отрасли, оценка рисков, оценка на основе моделей.

Большинство предприятий золотодобывающей промышленности придают относительно большее значение техническому развитию предприятий в целях обеспечения охраны труда и экологической безопасности работающих. Сегодня предприятия золотодобывающей отрасли сталкиваются с проблемами в распределении финансовых средств, что ограничивает такие важные факторы, как подписание инвестиционных проектов, финансовая поддержка бюро усовершенствования научно-технических разработок, регулярное обучение кадров. Золото не только как металл имеет постоянно растущий спрос на внутреннем и внешнем рынках.

Олтин қазиб олиш саноати корхоналарининг бошқарув фаолияти мураккаб бошқарув элементлари ҳамда технологик ёндашув, техник таъминот ресурслари, шунингдек, юқори таваккалчиликни инобатга олган ҳолда олиб бориладиган жараёнларни қамраб олади. Олтин қазиб олиш саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда бошқарув фаолиятининг тўғри ташкиллаштирилиши корхона барқарорлигини ҳамда стратегик режасининг муқобиллигини англатади. Шунга кўра, олтин қазиб олиш саноати корхоналарининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда бошқарув фаолиятини ривожлантиришни баҳолаш тавсия этилади.

Олтин қазиб олиш саноати корхоналарини ташкилий-иқтисодий бошқарув фаолияти ўз ичига асосий бошқарув элементларининг мажмуини олади. Ушбу мажмуа стратегик бошқарув, даромад олишни марказлаштириш, нарх бошқаруви, маҳсулот ва персонални бошқариш сингари бош бошқарув бўғинларидан ташкил топган.


Бошқарув бўғинларини стратегик бошқарувга мувофиқлаштириш стратегик бошқарувнинг ҳар жиҳати инобатга олинишини ифодалайди. Энг мураккаб бошқарув корхонада таваккалчиликни бошқарув саналади. Бу ҳолатда “VUCA-Prime” фреймворкини ишлаб чиқаришга татбиқ этган ҳолда баҳолаш тавсия этилади.

1990 йилда АҚШ ҳарбий коллежида ишлаб чиқилган модель саналиб, унинг асосий мақсад ва вазифаси ташкилотнинг ташқи ва ички муҳитга нисбатан таваккалчилик барқарорлигини аниқлашга қаратилган. Ушбу модель стратегик бошқарувда АҚШ бошқарувчиси Девид Хиллсон томонидан қўлланилган бўлиб, унга Prime қўшимчаси асосида иқтисодий ёндашуви ва моҳияти очиб берилган.

Ушбу модель таркиби қуйида келтирилган (1-рasm) [1]:



“VUCA-Prime” элементларининг барчаси таваккалчиликни ҳар томонлама ташкилий-иқтисодий тизимаро баҳолаш имконини беради. Бунинг учун 2007 йилда АҚШ иқтисодчи олими Б.Йохансен таклиф этган 4 та стратегик элементдан фойдаланамиз.



**1-расм. «VUCA-Prime» моделини элементларига нисбатан стратегик элементлар асосида баҳолаш кесиммаси**

Vision фокус кўришнинг моҳияти келгусида ташкилотнинг ташқи муҳити турбулен бўлган ҳолатда мақсаддан оғмасликдан иборат.

Understanding тушуниш ҳолатида таваккалчиликни баҳолашда ваколатли корхона бошқарувчилари барча маълумотларни саралашлари ва улардан унумли фойдаланиш стратегиясини шакллантиришлари лозимлигини англатади.

Clarity шаффофлик элементи мураккаблик ҳолатида барча ташкилий-иқтисодий тизимдаги жараёнларни ихчамлаштириши энг яхши стратегик бошқарув бўлиб хизмат қила олади.

Agility эгилувчанлик ташкилотнинг келгуси фаолиятида ноаниқликларга бардош бера олиши учун эгилувчанлик стратегиясини ривожлантириш талаб этилади.

Олмалиқ КМҚнинг таваккалчилиги «VUCA-Prime» модели асосида баҳоланганида қуйидаги ҳолат юзага келади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Олтин КМҚнинг таваккалчилигини “VUCA-Prime” модели асосида баҳолаш\***

<b>Таваккалчиликни баҳолаш</b>	<b>Таваккалчиликка қарши стратегия</b>
Volatility-кон объекларининг тезкор ўзгарувчанлиги ва уларда техник, саноат хавфсизлигининг юқорилиги	Vision-олтин қазиб олишда маҳсулот олиш давомида инсон хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш
Uncertainty-ерости конларини ўташ давомида техник хавфнинг ва харажатларнинг юқорилиги	Understanding-ерости олтин шахталарини рақамлаштириш орқали назоратни ташкиллаштириш
Complexity – устма-уст тушган кор шахталарининг бир-бирини устига ётиб қолиши ва харажатларни ошириши	Clarity-энг зарур харажатларни саралаб, корхона жамғармасини шахталардаги иш фаолияти сифати учун барча имкониятларни юқори даражада таъминлашга қаратилиши
Ambiguity – олтин кон шахталарида қазиб олиш гуруҳи аъзоларининг маоши иш ҳажмига боғлиқ ва боғлиқмаслиги тафовути оқибатида иш фаолиятини секинлаштириши	Agility-ташкилий-иқтисодий тизимаро ишчиларнинг маоши тафовутини жамоавий тартибда олиб борилишини қисқартириш, самарадорлиги юқори гуруҳни рағбатлантириш, ишнинг жадаллигини ошириш

Volatility-кон объектларининг тезкор ўзгарувчанлиги ва уларда техник, саноат хавфсизлигининг юқорилиги ишлаб чиқариш фаолиятида қўплаб нохуш вазиятларни келтириб чиқаради. Объектларнинг ўзгарувчанлиги бу анъанавий ҳолат, саноат ва техник хавфсизликнинг инobatга олиниши юқори бўлишига қарамасдан унинг олдини олиш борасида чора-тадбирлар илғор технологик ишлов беришни тақозо этади. Унга нисбатан Vision-олтин қазиб олишда маҳсулот олиш давомида инсон хавфсизлигини юқори даражада таъминлашда OKR (Objective Key Results – Мақсадлар ва асосий натижалар) методологиясини қўллаш, корхонанинг келгуси ташкилий-иқтисодий механизмнинг уйғунлигини таъминлашда хизмат қилишини инobatга олган ҳолда амалиётга жорий этиш тавсия этилади.

OKR модель асосчиси Джон Дорр ўзининг “Энг муҳимларини ўлчанг” номли китобида 4 асосий супер қувватни ажратиб кўрсатади. (2-расм)

\* Муаллиф ишланмаси



**2-расм. Олмалиқ КМҚни OKR модели асосида Vision элементини юқори даражада таъминлаш\*.**


Uncertainty-ерости конларини ўташ давомида техник хавф тез-тез ўзининг харажатлари ошишига салбий таъсирини ўтказади. Кон шахтаси ўтаб борилиши давомида ернинг табиий ҳодисалари оқибатида кон шахтасини босиб қолиши мумкин. Уни қайта ўташ харажатларни ҳамда ишчи гуруҳ аъзоларининг соғлиғини таъминлашда баъзи ҳолларда қайтариб бўлмас йўқотишларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолатда олтин кон шахталарини ADVANTA технологиясидан фойдаланиш тавсия этилади. ADVANTA – бу барча ишчиларнинг иш фаолиятини автоматлаштириш ва лойиҳавий бошқарув жараёнларини олдиндан йўриқномаси сифатидаги мажмуавий ахборот тизими саналади. Уни Олмалиқ КМҚда қўллаш кон шахтасини рақамлаштириш имконини берадиган элементни тўлдиради ҳамда барча харажатларни ўз оқимда олиб борилишини таъминлайди. (расм)

Complexity – устма-уст тушган кор шахталарининг бир-бирини устига ётиб қолиши ташкилий-иқтисодий тизим занжиридаги узилишларни юзага келтириши мумкин. Шунга кўра, олтин кон шахталарини ўташ давомийлигини сифатли олиб бориш ва ишларни айнан ўша шахтада қайталанмаслигини таъминлаш ишлаб чиқариш узлуксизлигини, сифатли олиб борилишини, хавфларнинг олдини олиши ҳамда самарали фаолиятни таъминлашни таъминлайди.

Ambiguity – олтин кон шахталарида қазиб олиш гуруҳининг аъзоларининг маоши иш ҳажмига боғлиқ ва боғлиқмаслиги тафовути оқибатида иш фаолиятида жамоа тушунчасини бузган ҳолда иш олиб боради. Бу иш сифатига ҳамда циклик

\* Муаллиф ишланмаси

тезлигига салбий таъсир қилади. Иш ҳажмига боғлиқ бўлмаган ишчиларнинг иш фаолиятидаги сустлигини намоён этишлари табиий ҳолат саналади. Иш ҳажмига боғлиқ бўлган ишчиларнинг зиммасида кўплаб мажбуриятлар ҳамда ойлик маошни олиш учун кураш жамоани олдинга етаклаши мумкин, аммо манфаатлар тўқнашуви молиявий ҳолатда бир-бирини рад этади. Agility-ташкилий-иқтисодий тизимаро ишчиларнинг маоши тафовутини жамоавий тартибда олиб борилишини қисқартириш мақсадида 1992 йилда Бирлашган Қиролликдаги Гарвард университети қошида Бизнес мактаб профессори Р.Каплан ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳатчи Д.Нортон томонидан шакллантирилган BSC (Balanced ScoreCard-мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими)ни Олмалиқ КМКда жорий этиш тавсия этилади (3-расм).



**3-расм. Олмалиқ КМКнинг мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими модели\*.**


Корхона даромадини максималлаштиришда истиқболларни белгилаш муҳим саналади. Олмалиқ КМК учун 4 та асосий истиқболни ажратиб кўрсатдик: малака ва ўсиш, ишлаб чиқариш, мижозлар ҳамда молиявий истиқболлар. Улар барча ишлаб чиқаришда ташкилий-иқтисодий механизмни мувозанатлаштиришга хизмат қилади.

Малака ва ўсиш истиқболида меҳнат кучининг малакасини ошириш, уларнинг билимларини профессионализмни ўстириш, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришда ҳам инсон омилининг самарали иштирокини таъминлаш назарда тутилган. Унинг оқилона ишлашини таъминлашда рағбатлантиришни самарали йўналтиришга қаратиш кўзда тутилади.

Ишлаб чиқариш истиқболида кўплаб ишлаб чиқариш элементларининг мажмуавий ҳолатда яхшиланиши кўзланган бўлиб, унда ишчиларни ишлаб чиқаришдаги иштироки унумли бўлишига қаратилган. Бунда ишлаб чиқариш

\* Муаллиф ишланмаси.

сифатини ва самарадорлигини оширишда ишлаб чиқаришдаги ерости кон шахталарида иш фаолиятининг бир-бирига боғлиқлигини 50/50 таъминлаш асосий аҳамият касб этади. Кон шахталарида иш фаолиятининг бир-бирига боғлиқлигини 50/50 таъминлашда иш ҳажмига боғлиқ бўлмаган маошли ишчиларни жараён бошида иш ҳажмига боғлиқмаслигини сақлаб, кон ўташни 1 дан кейинги босқичларида иш ҳажмига боғлиқлигини таъминлаш иш фаолиятидаги синергияни оширади. Натижада корхонанинг бозордаги иштироки ходимлар орасидаги ҳамжиҳатлик ошади. Барча юқорида келтирилган элементларни стратегик ҳамкорликда мужассамлаштириш орқали даромадни ўстириш, ҳаражатларни муқобиллаштириш ва номоддий активларнинг қийматини ошириш мумкин. Бу молиявий истиқболда намоён бўлиб, корхона даромадини максималлаштириш имконияти ошади. Ушбу сарҳисобни ихчамлаштириш мақсадида мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими модели алгоритми тақозо этилади (4-расм).



**4-расм. Олмалиқ КМКнинг мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими модели алгоритми\*.**

\* Муаллиф ишланмаси

Олмалик КМКнинг мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизими модели алгоритмини ишлаб чиқаришда қўллаш ишлаб меҳнат унумдорлигини ошириш, харажатларнинг қисқариши ва тўғри йўналтирилиши, шунингдек, алоҳида жамғарма сифатида ташкиллаштирилиб харажатларни мувозанатлаштириш ҳисобига ўсиши талаб этилган кўрсаткичларни барқарор ошишига хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Tarakhtiyeva G.K. Evaluation of the innovative project based on the point method. – 2022.
2. Tarakhtiyeva G.K. Methods for transporting oil and gas // Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1004–1008.
3. Mukhitdinova K. Increasing the efficiency of investment activities of automotive enterprises // International Finance and Accounting. – 2022. – Т. 2022. – №. 1. – С. 20.
4. Alisherovna M.K. Use of communication networks in the optimization of investment project work // Trans Asian Journal of Marketing & Management Research. – 2022. – Т. 11. – №. 5and6. – С. 49–52.
5. Abdullaeva A.D. The experience of foreign countries in managing the gold mining industry. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities ISSN 2749-0866Vol.2Issue 1.1 Economical sciences.
6. Бободжонова З. Economic regulation of development methods for water injection at explored fields // Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 11/S. – С. 37–41.
7. Бобожонова З.Ш., Абдуллаева Д. Innovative development of industrial production based on the principle of synergy Bobojonova Z., Abdullayeva D. 2 Инновационное развитие промышленного производства, основанного на синергетическом принципе // Problems of modern science and education. – С. 64.
8. Бобожонова З.Ш., & Абдуллаева Д. (2016). Инновационное развитие промышленного производства, основанного на синергетическом принципе. Проблемы современной науки и образования, (36 (78)), 64–66.
9. Бобожонова З.Ш., & Абдуллаева Д. (2016). Использование труб и способы повышения их экономии в нефтегазовой экономике Узбекистана. Проблемы современной науки и образования, (36 (78)), 62–64.
10. Yusupbekov N., & Bobojonova, Z. (2012). Ишлаб чиқариш корхоналарида конструкторлар учун махсус соҳага ихтисослашган сенсорли гид-тренажёр қурилма. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, (1), 244–248.
11. Бобожонова З.Ш., & Абдуллаева Д. Innovative development of industrial production based on the principle of synergy Bobojonova Z., Abdullayeva D. 2 Инновационное развитие промышленного производства, основанного на синергетическом принципе. Problems of modern science and education, 64.